

Дарахт ўғрилари

— Хув, анави яккам-дуккам дарахтларни кўряписизми? — деб далага ишора қилди Асхўжа бобо Иноғомов. — Шу ер 2—3 йил бурун қалин тутзор бўларди. Наринги томонда ҳам дарахтлар кўп эди, ўрмонни эслатарди. Кейинги йилларда дарахтлар анча сийрақлашиб қолди. Одамлар уларни кесиб кетаяпти. «Кимлар» дейсизми? Иссиқхонаси борлар-да. Ишонасизми, газ босими пайсангиз кунлари ўн тележкагача ўтин олиб кетганлар бор. Шундай бўлгач, дарахт қоладими?

— Уртаовул кўргони оқсоқоллари, «Зангиота» ширкат хўжалиги раҳбарияти уларга чора кўрмадими?

— Э, ука, куппа-кунду-

зи кесадиган бўлса, шартта ушлаб жаримага тортардик-ку! Улар бемаҳал, элнинг оёғи тинганда келади-да, бу ерларга.

Дарҳақиқат, далада неча ўн йиллик дарахтлар ўрнида кундаси қолган, холос. Даланинг жануб томони Янгийўл туманидаги Абдулла Ортиқов номли ширкат хўжалиги тугашган. Катта йўллардан анча четда бўлган бу жойларда ҳам кесиб кетилган дарахтлар ўрнига кўзингиз тушади.

— Тут дарахтини, — дея суҳбатга қўшилди деҳқон Зухур Муҳиддинов, — ҳар

йили баҳорда бутаб баргини ипак кўртига, шохларини эса қишга ўтин учун йиғса неча ўн йил қоримизга ярар эди. Буни қаранг, кундалари қолибди.

Дала четига экилган ҳар ўнта дарахтнинг тўрт-бештаси кесиб кетилган. Кўчат экишни хаёлга ҳам келтирмайдиганларнинг фақат бугунги ўйлаётганидан ачинасан, киши. Ахир четдан биров келиб дарахт экиб бермайдик-ку. Кўчат экиб уни шундай ҳолга келтириш осон иш эмас. Қиш ойларида газ

пасайишига ҳам шундай бе-парво, оғирнинг усти энгилнинг остидан юрадиганлар сабабчи бўлмаётимикин?

Зангиота туманидаги Уртаовул кўргони пастки маҳаллаларига ўтган йили саккиз чакримлик газ қувурлари тортилди. Бугунги кунда кўргондаги юзлаб хонадон табиий газдан баҳраманд бўлмоқда. Бунинг учун 87 миллион 280 минг сўм сарфланди. Албатта, кўргондаги тадбиркорлар ҳам кўл қовуштириб турмади. Уртаовул аҳли туман

газ таъминот бўлинмасининг пайвандчи-ю, ишчи хазматчиларидан беҳад мамнунлигини яширмайди.

Бўлинма жамоаси режа асосида газ ўлчачи асбобларини ўрнатиб келмоқда. Эндиликда газ босими анча яхшиланди.

— Ҳали бундан унчалик севиниб бўлмайди, — дейди Асхўжа бобо Иноғомов. — Негаки, иссиқхонада газдан ноқонуний фойдаланувчилар ҳали кўп. Уларнинг иши совуқ кунлари сезилади. Ҳозир кунлар сал илди.

Асхўжа аканинг ҳам ис-

Мулоҳаза

Янгиликлар, воқеалар, далиллар



Коалицион ҳукумат

Исроилда учта партия иштирокида коалицион ҳукумат тузиш ҳақида шартнома имзоланган. Исроил радиосининг хабарига таянган ҳолда «ИТАР-ТАСС» мухбирининг айтишича, «Ликуд», «Шинуй» ва «Мафдал» партиялари биргаликда 120 ўринли парламентда 61 та мандатга эга бўлишди.

Ал-Барадеийнинг айтишича...

Сўнги пайтда Ироқ ҳукумати ҳарбий операциялар хавфи кучайганлигини тушуниб, БМТ инспекторлари билан ҳамкорлиқни фаоллаштирди. Атом энергияси бўйича халқаро агентлик раҳбари Муҳаммад Ал-Барадеий Германиянинг «Spiegel» журнаliga берган интервьюсида ана шу ҳақда маълум қилган.

Ал-Барадеий Ироқда текширув ишлари муваффақиятли ўтаётганлигини, лекин унинг тугаш вақтини аниқ айтишнинг иложи йўқлигини ҳам таъкидлаган, деб хабар беради «РИА «Новости» агентлиги.

Кучли зилзила

Хитойнинг шимоли-ғарбдаги Синьцзян - Уйғур мухтор туманида юз берган зилзила оқибатида камиди 94 нафар киши ҳаётдан кўз юмган.

Бу ҳақда ўша ердаги сейсмология хизмати вакиллари хабар қилишди.

Маҳаллий ҳукумат аъзолари вайрон бўлган бинолардан яраланганларни олиб чиқиш давом этаётганлиги ҳақида ахборот беришган. Уларнинг айтишича, қурбонлар сони янада ортиши мумкин.

«Рейтер» агентлигининг маълум қилишича, зилзила кучи 6,8 баллга тенг бўлган.

Молиявий ёрдам беришга тайёр

Япония Ироқда ҳарбий операциялар ўтказиш учун АҚШга молиявий ёрдам беришга тайёр. Мамлакат Бош вазири Жунитиро Коидзуми парламент куйи палатасининг бюджет кўмитасида бўлиб ўтган мулоқотда шу ҳақда маълум қилган.

Ҳукумат раҳбарининг айтишича, Япония халқаро ҳам-жамият аъзоси сифатида жавобгарликнинг бир қисмини ўз зиммасига олишга тайёр.

«РИА «Новости» агентлигининг маълумотига кўра, Токио ва Вашингтон ўртасидаги ҳамкорлик масаласи (хусусан, Ироқ муаммоси бўйича) ақинда АҚШ Давлат котиби Колин Паузлининг кунчиқар давлатга сафари да-вомида муҳокама қилинган эди.

Мушуксеварлар намойиши

Римда ўтган шанба кuni минглаб мушуксеварлар намойишига чиқишди. Улар Колизей ва Рим Форумининг вайроналари олдида ўтишиб ҳукуматдан яшаш жойи йўқ мушуклар учун махсус жойлар қуриш ва уларнинг шароитларини яхшилашни талаб қилишди.

«Лента ру.»нинг маълумотига қараганда, намойишчиларнинг кўпчилиги кўлларидан мушуклар билан келишган.



Маданият янгиликлари

«Аму тўлқини» сафарда

Қорақалпоғистон Республикасининг «Аму тўлқини» фольклор этнография дастаси Тошкент ва Чирчиқ шаҳрига ижодий сафар уюштирди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулхатиша Айимбетова, ёш кўшиқчи Бердах Исметуллоев ва дастанинг раққоса қизлари томонидан иккунлик концерт куйи ва кўшиқлар барчага манзур бўлмоқда.

Сурхондарёда Наврўз

Сурхондарё вилоят маданият ишлари бошқармаси қошидаги «Наврўз» штаби томонидан вилоятда «Наврўз» умумхалқ байрамини ўзига хос кўтаринки рўҳда ўтказиш учун амалий ишлар бошлаб юборилган. Байрамнинг асосий томошалари Термиз шаҳридаги «Амфитеатр» биносида бўлади. Шу боис бино атрофи байрамона жиҳозланмоқда. Шаҳар ва туман бадиий жамоаларининг дастури тадбир ҳайъати томонидан кўриб чиқилмоқда.

— Мақсадимиз байрам дастурини ҳар йилгига нисбатан янада жозибали ва юқори савияда ўтказишдир, — дейди тадбирнинг бош режиссёри Т.Йулдошев.

Янги асар

Шу кунларда Сурхондарё вилоят Маннон Уйғур номидаги муסיқали драма театрида янги асар сахналаштирилмоқда. Бугунги аёллар ҳаётидан хикоя қилувчи асар драматурги М.Хайруллоев қаламига мансуб бўлиб, «Аёл исёни» деб аталади. Маъзур сахна асарининг намойиши Наврўз байрами кунлари вилоят меҳнаткашларига муносиб совға бўлади.

Мухтасархон ҚАРИМОВА.

Америка халқаро таълим кенгаши 2003 йил ўқитувчилар дастури иккинчи босқич ғолиблари

Америка халқаро таълим кенгаши — АКСЕЛС томонидан ўтказилаётган, АҚШ Давлат департаментининг ахборот, маданият ва таълим бўлими ҳомийлик қилаётган, Ўзбекистон Халқ таълими вазирилик қўмағида бўлган «Ўқитишда аълочилик мукофоти» дастури Ўзбекистонда олтинчи йил фаолият кўрсатмоқда.

АКСЕЛС маъмурияти шу йилги дастур иккинчи босқичининг 50 нафар ғолибини эълон қилмоқда.

Ғолиблар республика умумтаълим мактаблари ўқитувчилари шахсан ўзлари учун совға сифатида қиймати 200 АҚШ долларига тенг бўлган инглиз тилини ўрганиш бўйича китоблар ҳамда ўз мактаблари учун 2000 АҚШ доллари қийматида жиҳозлар оладилар.

Қуйида 2003 йил Ўзбекистоннинг инглиз тили ва америкашунослик бўйича энг яхши ўқитувчилари рўйхати билан танишасиз.

Фамилияси	Исми	Мактаб	Шаҳар	Вилоят
1 Гаппаров	Муҳаммад	Китоб шаҳри, Тил маркази	Китоб	Қашқадарё
2 Қосимова	Мукаррам	7-мактаб	Китоб	Қашқадарё
3 Турсунова	Махфират	2-ихтисослаштирилган мактаб-интернати	Китоб	Қашқадарё
4 Акрамова	Тамара	33-мактаб	Яккабоғ	Қашқадарё
5 Вашина	Виктория	29-мактаб	Самарқанд	Самарқанд
6 Қўчқорова	Наргиза	Каттакўрғон, педагогика коллежи	Каттакўрғон	Самарқанд
7 Фафурова	Фарида	Жума, Тил маркази	Жума	Самарқанд
8 Ибрагимов	Илёс	1-лицей	Иштихон	Самарқанд
9 Шарипова	Муяссар	Аниқ ва табиий фанлар вилоят лицейи	Наманган	Наманган
10 Ишқулова	Наила	Шароф Рашидов номли лицей	Жумашўй	Наманган
11 Мавлонова	Дилбар	33-мактаб	Наманган	Наманган
12 Зокирова	Тўйдихон	19-мактаб-интернати	Қорасув	Андижон
13 Жўраева	Наргиза	26-мактаб	Бўз	Андижон
14 Абдуллаева	Дамира	50-мактаб	Андижон	Андижон
15 Юсупова	Кимёхон	25-мактаб	Жалақудуқ	Андижон
16 Абдукаримова	Муқаддас	26-мактаб	Сарикўрғон	Фарғона
17 Айбушева	Гулчачак	29-мактаб	Кувасой	Фарғона
18 Негматов	Муҳаммаджон	28-мактаб	Учкўприк	Фарғона
19 Мирзаева	Раънохон	«Шодлик» гимназияси	Фарғона	Фарғона
20 Бекмуратова	Дилбар	8-мактаб	Фарғона	Фарғона
21 Аҳмедова	Лола	«Парвоз» гимназияси	Фарғона	Фарғона
22 Исрофилов	Исмат	4-лицей	Усмат	Жиззах
23 Суондуқова	Гулчехра	Хорижий тиллар маркази	Жиззах	Жиззах
24 Калимбетова	Қизларгул	9-мактаб	Кегейли	Қорақалпоғистон
25 Турдибаева	Феруза	«Прогресс» маркази	Нукус	Қорақалпоғистон
26 Долгих	Анна	«Прогресс» маркази	Нукус	Қорақалпоғистон
27 Ҳайтбоева	Эркиной	69-мактаб	Беруний	Қорақалпоғистон
28 Ким	Нагалья	34-мактаб	Нукус	Қорақалпоғистон
29 Ражапов	Шоназар	Иқтисод коллежи	Урганч	Хоразм
30 Машарипова	Феруза	25-мактаб	Кўшкўпир	Хоразм
31 Ваисова	Гулчехра	6-лицей	Урганч	Хоразм
32 Расулов	Шукрулло	22-мактаб	Ғалаба	Сирдарё
33 Радина	Елизавета	11-мактаб	Янгиер	Сирдарё
34 Шоюсупова	Камола	Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети қошидаги академик лицей	Тошкент	
35 Салимова	Раиса	217-мактаб	Тошкент	
36 Ҳайдарова	Инобат	2-мактаб	Олмалик	Тошкент
37 Новикова	Евгения	14-мактаб	Ангрен	Тошкент
38 Левчук	Ольга	9-мактаб	Чирчиқ	Тошкент
39 Гребенчукова	Светлана	5-мактаб	Чирчиқ	Тошкент
40 Мусаханова	Хуриниса	248-мактаб	Тошкент	
41 Зекирова	Зухриниса	117-мактаб	Тошкент	
42 Каримов	Бахриддин	43-мактаб	Зангиота	Тошкент
43 Бабаева	Меҳринисо	2-мактаб	Бухоро	Бухоро
44 Асадова	Гулжамол	Бухоро академик лицейи	Бухоро	Бухоро
45 Исомова	Сожида	16-мактаб	Бухоро	Бухоро
46 Маилова	Кристина	37-мактаб	Бухоро	Бухоро
47 Иргашева	Наргиза	1-мактаб	Узун	Сурхондарё
48 Норматов	Аллаёр	36-мактаб	Денов	Сурхондарё
49 Тонготарова	Дилфуза	19-лицей-интернат	Навий	Навий
50 Аслонова	Гулзира	Гуманитар лицей-интернат	Қизилтепа	Навий

«АВТОАЛОҚА»

акционерлик жамиятининг барча акционерларига!
2003 йил 17 март соат 9.00да «Автоалоқа» акционерлик жамияти акционерларининг умумий мажлиси бўлади.

- КУН ТАРТИБИ:**
- «Автоалоқа» ОАЖ бошқаруви раисининг акционерлик жамиятининг 2002 йил молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ва 2003 йил иш режалари тўғрисида.
 - Тафтиш комиссияси ҳисоботи, аудитор хулосаси ва 2002 йил балансини тасдиқлаш тўғрисида.
 - 2002 йил натижалари бўйича дивидендларни тақсимлаш тўғрисида.
 - Бошқарув раиси сайлаш тўғрисида.

Маълум: Тошкент ш., Беруний к., Марказ-27 мавзеси, 42-АТС биноси.
Телефонлар: 144-25-67, 42-89-27.

«Автоалоқа» ОАЖнинг 2003 йил 1 январга бўлган баланси (млн.сўм)

Актив	Пассив
1. Узоқ муддатли активлар	1. Хусусий капитал — 128,4
— 76,2	2. Мажбуриятлар — 21,4
Асосий воситалар — 162,2	
2. Айланма маблағлар — 73,6	
ЖАМИ — 149,8	ЖАМИ — 149,8

2003 йилнинг 1 январига бўлган молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (млн.сўм)

1. Соф тушум	— 152,2
2. Ишлаб чиқариш таннархи	— 70,1
3. Умумхўжалик фаолиятдан фойда	— 35,7
4. Солиқлар	— 17,0
5. Фойда	— 18,6
6. Соф фойда	— 1,470

Молиявий натижаларнинг тўғрилиги «Зумрад-аудит» аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган (2001 йил 19 июнь, 00081-сонли лицензия).
«Автоалоқа» акционерлик жамиятининг низоми жамғармаси — 12570 минг сўм.

